

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.B.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИОФИЗИКА ВА БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ

АВЕЗОВ НОДИРЖОН ШАХРИҚУЛОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА КЎКРАК БЕЗИ САРАТОНИНИНГ
РИВОЖЛАНИШИДА ОНКОСУПРЕССОР TP53 ГЕНИ
ПОЛИМОРФИЗМЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

03.00.01 – Биокимё

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Авезов Нодиржон Шахрикулович

Ўзбекистонда кўкрак беги саратонинг ривожланишида онкосупрессор TP53 гени полиморфизмларинг аҳамияти.....3

Авезов Нодиржон Шахрикулович

Значение полиморфизмов гена онкосупрессора TP53 в развитии рака молочной железы в Узбекистане.....21

Avezov Nodirjon Shaxrikulovich

The significance of polymorphisms of the oncosuppressor gene TP53 in the development of breast cancer in Uzbekistan.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.B.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИОФИЗИКА ВА БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ

АВЕЗОВ НОДИРЖОН ШАХРИҚУЛОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА КЎКРАК БЕЗИ САРАТОНИНИНГ
РИВОЖЛАНИШИДА ОНКОСУПРЕССОР TP53 ГЕНИ
ПОЛИМОРФИЗМЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

03.00.01 – Биокимё

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/B593 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ibb-nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Кадилова Дилбар Абдуллаевна биология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Мирхамидова Парида биология фанлари доктори, профессор Мухаммедов Рустам Султонович биология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	ЎЗР ФА Иммунология ва инсон геномикаси институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети Биофизика ва биокимё институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.B.01.13 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 174-уй. Тел.: (99871) 246–68–96).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Биофизика ва биокимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100174,Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 174-уй. Тел.: (99871) 246-68-96, e-mail: ibb-nuu@mail.ru; mamurjon2281@mail.ru.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ кунлари тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги №_____ рақамли реестр баённомаси).

Сабилов Равшан Заирович
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

Позилев Маъмуржон Комилжонович
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д.

Садиков Эркин Саадатович
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси в.б., б.ф.н.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва муҳимлиги. Ҳозирги кунда дунёда кўкрак беши саратони (КБС) аёллар орасида энг кенг тарқалган хавфли касалликлардан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра¹, дунёда 2020 йилнинг ўзида 2,3 млн аёлларга КБС ташхиси қўйилди, шулардан 685 минг нафари вафот этган. КБС аёлларда саратон касалликлари ичида биринчи ўринда туради, яъни дунёда саратон ташхиси қўйилган аёлларнинг тўрттадан биттаси (24,2%) КБСга мос келади. Ўзбекистонда бир йилнинг ўзида рўйхатга олинган саратон касалликларидан, 24,6% аёллар орасида КБСга чалинганлиги қайд этилган. Шу сабабдан, Ўзбекистонда КБСни олдини олиш ва даволашда янги замонавий инновацион технологиялардан фойдаланишни тақозо этади.

Дунёнинг етакчи илмий марказларида одамларда кўплаб соматик мутацияларга ва бир нуклеотидли полиморфизмларга сабаб бўладиган, шу жумладан, КБС ривожланишига боғлиқ бўлган номзод генларни текшириш борасида кўплаб илмий-тадқиқотлар ўтказилган. Ушбу касалликнинг шаклланиши ва ривожланиш механизмларини ўрганиш масаласи ҳозирги кунда замонавий тиббиётнинг долзарб муаммосидир. КБС бузилишларида алоҳида ўринни онкосупрессор генларнинг, хусусан, ҳужайра жараёнларнинг асосий бошқарувчиси бўлган TP53 генининг зарарланиши эгаллайди. КБСда TP53 фаолияти мутациялар (80% гача ҳолатларда), ирсий бир нуклеотидли полиморфизмлар (SNP) ва гетерозиготалиликнинг йўқолиши томонидан сезиларли равишда ўзгариш касб этади.

Мамлакатимизда илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этиш натижасида КБСни клиникагача эрта ташхислаш ва клиник кечишини олдиндан билишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² «илмий тадқиқот ва инновация фаолиятни рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш» вазифалари белгиланган. Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда аёлларни КБС билан даволаш самарадорлигини эрта аниқлаш, самарали прогнозлаш ва мониторинг қилиш учун биокимё, молекуляр генетик замонавий усулларида фойдаланиш, TP53 генининг полиморфизмларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 августдаги ПҚ-3894-сон «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид

¹ <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/breast-cancer>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» Фармони

давлат дастури тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ онкологик касалликларни эрта аниқлаш бўйича махсус скрининг дастурини қабул қилиш ва аёлларда КБСни эрта аниқлаш учун махсус скрининг дастурини тасдиқлаш, КБС «канцеррегистри»ни шакллантириш, тиббиёт муассасаларини саратонга қарши дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан узлуксиз таъминлаш каби чора-тадбирлар ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб етакчи илмий-тадқиқот марказларида КБС ривожланиши, уни олдиндан билиш ва даволаш самарадорлигини оширишда TP53 гени полиморфизмларининг аҳамиятини аниқлаш бўйича жуда кўп илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Онкосупрессор TP53 гени rs1042522 полиморфизмнинг КБС патогенези ривожланишидаги ролини текшириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда (Leu E. 2011, Hossein Pour Feiz MA. 2012, Alsbeih G. 2013, Sheikhpour R. 2014, Gohari-Lasaki S. 2015, Nihal Üren, 2016, Moradinassab M. 2017, Afzaljavan F. 2018, Akhter N. 2019, Icen-Taskin. 2020). КБС ривожланишида TP53 гени rs1800371 полиморфизмнинг ролини баҳолаш бўйича ҳам кўплаб илмий тадқиқотлар ишлари олиб борилмоқда (Alawadi S. 2011, Al-Qasem A. 2012, Sharma S. 2014, Murphy M. E 2017).

МДҲ давлатларида ҳам КБС ривожланиши ва жадаллашишида онкосупрессор TP53 гени полиморфизмларининг аҳамиятини аниқлаш тўғрисида кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Жумладан, Россия тиббиёт академиясининг Сибир филиалида КБСда TP53 генининг мутацион ўзгарувчанлиги ва rs1042522 полиморфизми тўғрисида батафсил ёритилган (Денисов Е. 2010). Шунингдек, Россия Федерациясининг Грозний шаҳрида олиб борилган тадқиқотда ҳам КБС ривожланишида ўсимта супрессор TP53 гени rs17884159 полиморфизмининг роли ва боғлиқлигига баҳо берилган (Мусхаджиева Л. 2017, Bisultanova Z. 2020). Қирғиз аёлларида КБСнинг ривожланишида TP53 гени rs1042522 полиморфизмининг ассоциацияси бор эканлигига баҳо берилган (Isakova J. 2017). Ушбу олиб борилаётган тадқиқотларда КБС ривожланишида молекуляр-генетик омилларининг аҳамияти ўрганилмоқда. Ушбу тадқиқотларнинг олинган натижаларга ва ютуқларга қарамасдан, TP53 гени rs1042522, rs1800371 ва rs17884159 полиморфизмининг КБС ривожланишида ушбу генетик маркёрлардан касалликни эрта ташхислаш ва самарали баҳолашда фойдаланиш имкониятларига оид саволлар камроқ ўрганилган.

Республикада КБСнинг ривожланишида онкосупрессор TP53 гени полиморфизмларининг аҳамиятини аниқлаш бўйича биринчи марта Биофизика ва биокимё институтида илмий тадқиқот олиб борилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ФА-А10-Т176 «Онкологик касалликлар эрта ташхиси ва мониторингида хужайрадан ташқари ДНК биомаркёр сифатида» мавзусидаги (2013-2015), Биофизика ва биокимё институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170930146 «Дори препаратларига сезувчанлик потенциал молекуляр-генетик маркёрларининг панелини ишлаб чиқиш» (2017-2020) мавзусидаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда кўкрак беши саратонининг ривожланиши ва жадаллашишида TP53 гени полиморфизмларининг аҳамиятини баҳолаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

КБС ташхиси тасдиқланган беморлар ва шартли соғлом аёлларининг қон лейкоцитларидан ДНК ажратиш, агарозали гелдаги эекторофорез ва NanoDrop 2000 спектрофотометрлари ёрдамида текшириш;

иммуногистохимёвий (ИГК) текширув натижалари ўтказилган КБС аёлларида, TP53 гени rs1042522, rs1800371 ва rs17884159 полиморфизмларининг генотипик частоталари ва ИГК маркёрлари орасидаги боғлиқлигини баҳолаш;

ўзбек аёлларида КБС ривожланишини TP53 гени rs1042522, rs1800371 ва rs17884159 полиморфизмларининг популяцион-генетик тарқалиш хусусиятларини текшириш;

КБС беморлари ва шартли соғлом ўзбек аёлларининг ДНК намуналарида TP53 гени rs1042522, rs1800371 ва rs17884159 полиморфизмларининг аллел ва генотиплари учраш частотасини ва ассоциацияларини аниқлаш;

ўрганилаётган намуналарда TP53 гени rs1042522, rs1800371 ва rs17884159 полиморфизмларининг турли хил гаплотиплари частотасини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 207 нафар ўзбек аёллари олинди, шулардан, 100 нафар КБС билан оғриган беморлар ва 107 нафар шартли соғлом аёлларнинг веноз қон намуналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети нормал ва патологик ҳолдаги хужайраларда TP53 гени нусхалари миқдорини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда биокимёвий, молекуляр-биологик (ДНК ажратиш, горизонтал гел-электрофорез, спектрофотометрия, полимераза занжирли реакцияси), статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилган. КБСни ташхислаш маммография, гистология, иммуногистохимё ва бемор аёлларнинг намуналаридаги биокимёвий кўрсаткичларини текшириш усулларида аниқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

тадқиқотда асосий гуруҳ иммуногистохимёвий текширув натижалари ўтказилган КБС аёлларида, TP53 гени rs1042522, rs1800371 ва rs17884159 полиморфизмларининг генотипик частоталари ва иммуногистохимё маркёрлари орасидаги боғлиқлиги аниқланган;

Ўзбек аёлларида КБС ривожланишида TP53 гени rs1042522, rs1800371 ва rs17884159 полиморфизмларининг бошқа ҳудудий популяцияларда учраш частотаси исботланган;

Ўзбек аёлларида TP53 гени rs1042522, rs1800371 ва rs17884159 полиморфизмларининг КБС ривожланишидаги ассоциациялари ҳамда прогнозтик хусусиятлари исботланган;

тадқиқотдаги КБС ва шартли соғлом гуруҳлари намуналарида TP53 генининг rs1042522, rs1800371 ва rs17884159 полиморфизмларининг турли хил гаплотиплар частотаси аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқотда КБС иммуногистокимё текшируви ўтказилган бемор аёлларида, TP53 гени rs1042522, rs1800371 ва rs17884159 полиморфизмларининг генотипик частоталарини, ИГК билан боғлиқлиги ва уларнинг Her2/neu, Ki67 маркёрлари билан юқори частотада ассоциацияси бор эканлиги исботланган;

Ўзбек аёлларида TP53 гени rs1042522 полиморфизмининг С аллели ва G/C, C/C генотиплари ўртасида, rs1800371 полиморфизмининг Т аллели ва C/T генотипи, шунингдек, rs17884159 полиморфизмининг Т аллели ва C/T, T/T генотиплари билан КБС хавфи ривожланиши ва клиник кечишини самарали прогнозлаш ўртасида боғлиқлик мавжудлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган илмий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, ўрганилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқ қилишда ва прогнозлаш муолажасида p53 гени аҳамияти ва уларни прогнозлаш бўйича олиб бориш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққослангани, шунингдек, статистик таҳлил усуллари билан асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасининг илмий аҳамияти онкосупрессор TP53 гени rs1042522 ва rs1800371 полиморфизмларининг аллел ва генотиплар тарқалиш частотаси Осиё халқларининг частотасига мос келади. TP53 гени rs17884159 полиморфизмининг аллел ва генотиплар частотасининг тарқалиши Европа халқларининг частотасига мос келади. ИГК текширувлари ўтказилган беморларда TP53 гени тадқиқотда ўрганилган полиморфизмларнинг генотипик частотаси тарқалиши ва статистик таҳлил натижаларида Her2/neu, Ki67 маркёрлари билан юқори частотада ассоциацияси бор эканлиги аниқланди, демак, ушбу натижалар КБС хавфи ривожланишини олдиндан баҳолаш, самарали прогнозлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, TP53 гени rs1042522, rs1800371 ва rs17884159 полиморфизмлари КБС хавфи ривожланишини олдиндан баҳолашда, прогнозлашда, касалликнинг олдини олишда ва молекуляр-генетик текшириш учун полимераза занжирли реакцияси тўпламларини чиқариш учун асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. КБС хавфи ривожланишида TP53 гени полиморфизмларини тавсифлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

TP53 гени rs1800371 маркёрининг КБС баҳолашидаги олинган аҳамиятли натижалардан «The project of Medical Center at Training & Research Institute - Jeramba Ilmu Sukses» лойиҳасида КБСни эрта ташхислаш ва даволаш самардорлиги маркёри сифатида фойдаланилган (Индонезия ўқув ва илмий-тадқиқот институти тиббиёт маркази, 2021 йил 10 июндаги маълумотномаси). Натижада мазкур TP53 гени rs1800371 полиморфизмни молекуляр генетик жиҳатдан генотиплашнинг қўлланилиши саратон ривожланиши хавфини аниқлашда махсус генетик маркёр деб ҳисоблаш имконини берган;

TP53 гени Arg72Pro маркёрнинг КБСнинг ривожланишдаги ролини баҳолаш тўғрисида олинган натижаларидан «Quaid-I-Azam University of faculty of Biological Sciences, department of Biochemistry» илмий лабораториясида фойдаланилган (Покистон Quaid-I-Azam university, 2021 йил 18 майдаги маълумотномаси). Мазкур TP53 гени Arg72Pro полиморфизмни биокимёвий ва молекуляр генетик қўлланилиши натижасида саратон хавфини аниқлашда ва прогнозлашда ўзига хос генетик полиморфизм бўлиши мумкинлиги имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 14 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «TP53 ўсимта супрессор гени (p53 оксиди), ўсимта ривожланишининг биокимёвий механизмлари» деб номланган биринчи

бобида TP53 гени тузилиши, функцияси, ген структурасининг бузилиши, ўзгаришларининг КБСнинг шаклланиши, ривожланиши ва биокимёвий механизмлари билан боғлиқлиги батафсил ёритилган бўлиб, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили кўрсатилган. TP53 генининг полиморф тузилишининг умумий характеристикаси берилган, TP53 нинг тузилиши ва вазифалари ёритиб берилган, TP53 генида гетерозиготалиликни йўқотишнинг аҳамияти ва кўкрак саратонидаги биокимёвий таъсирлар ҳақида маълумот берилган. TP53 генининг полиморф вариантларининг предикатив ва прогностик аҳамияти келтирилган.

Диссертациянинг «Кўкрак беги саратони ривожланишидаги биокимёвий, генетик омиллар ролини баҳолашнинг замонавий методологияси ва материаллар» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларни олиб бориш босқичлари, уларнинг бажарилишида фойдаланилган материаллар ва тадқиқот услуллар тақдим этилган. Хусусан, тадқиқотда, Ўзбекистонда яшовчи 207 нафар аёлларнинг, жумладан, ўртача $52,2 \pm 1,7$ ёшдаги 100 нафар КБС бемор аёллари асосий гуруҳни ва ушбу касаллик қайд этилмаган ўртача $51,4 \pm 1,4$ ёшдаги 107 нафар назорат гуруҳидаги шартли соғлом аёллар ташкил этган. КБСни ташхислашни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослашган Онкология ва Радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиали маммология бўлимида маммография ва гистология текшируви натижалари асосида аниқланган. Ушбу тадқиқотнинг молекуляр генетик текширувлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий маркази, молекуляр тиббиёт ва хужайра технологиялар бўлимида амалга оширилган. Тадқиқот иши ихтиёрийлик ва махфийлик тамойилларига риоя қилинган ҳолда олиб борилди. Тадқиқот давомида TP53 генининг 3 та полиморф варианты ўрганилди.

Биокимёвий тадқиқот услулари. Намунадаги биокимёвий кўрсаткичларни аниқлаш учун қоннинг биокимёвий таҳлили ва гистологик текширув ўтказилди. КБСга чалинган беморлар, шартли соғлом аёлларнинг веноз қонидан стандарт фенол-хлороформ усули ёрдамида ДНК ажратиб олинди ва ажратилган ДНК сифати ва миқдорини 1,5% агароза гелида электрофорез усули билан текширилди. Умумий биокимёвий кўрсаткичлар қон зардобиди «Human» тест тўплами билан аниқланди. Тўқима намуналарининг гистологик текшируви Thermo Fisher Scientific (TFS, АҚШ) компаниясининг STP 120 карусел асбобида ўтказилган.

Молекуляр-генетик тадқиқот услулари. Одамнинг веноз қонидан геном ДНКни «АмплиПрайм Рибо-преп» (ООО «Некст Био», Россия) ва DiatomTM DNA Prep 100 (Лаборатория Изоген, Россия) тўпламлари ёрдамида ишлаб чиқарувчилар кўрсатмасига мувофиқ ажратилди. Ажратилган ДНК сифати ва миқдорини NanoDrop-2000 (NanoDrop Technologies, АҚШ) спектрофотометр жиҳозида аниқланди. Ўрганилаётган генининг полиморфизмлари Литех (01338-100 ООО НПФ «Литех» Россия) ва Синтол (Россия) фирмаларининг ПЗР тест-тўплами ёрдамида ишлаб

чиқарувчиларнинг кўрсатмаларига мувофиқ Rotor-Gene Q (QIAGEN Hilden, Germany) амплификаторида текширилди.

Статистик таҳлиллар учун «WINPEPI 2016, Version 11.65» ва «Doctor Stat 2013, Version 1.9», «EpiCalc 2000 Version 1.02». дастурларидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Кўкрак беги саратони ривожланиши, прогрессияси ва даволашда TP53 гени rs1042522, rs1800371 ва rs1788415 маркёрларининг аҳамияти**» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистонда TP53 гени rs1042522, rs1800371 ва rs1788415 полиморфизмларининг тарқалиш частоталари ва КБС ривожланиши, прогнозлашда ва уларнинг КБС билан боғлиқлигининг популяцион-генетик хусусиятлари натижалари келтирилган. TP53 генининг ўрганилган полиморф вариантларининг биокимёвий кўрсаткичлар билан боғлиқлиги аниқланган.

КБС ривожланишининг биокимёвий механизмлари. Гомеостазнинг ўзгариши касалликнинг клиник кўринишидан анча олдин содир бўлади, шунинг учун бир қатор лаборатория текширувлари нуқтаи назаридан КБС ривожланишида клиникадан олдин умумий қон таҳлили ва қоннинг биокимёвий таҳлил кўрсаткичларининг ўзгаришини баҳолаш аниқланди. Шунингдек, КБС беморларида TP53 ген rs1042522, rs1800371, rs17884159 SNPларнинг биокимёвий кўрсаткичлари билан боғлиқлик таҳлили ўтказилди. Бунда, TP53 гени ушбу SNPлари генотиплари орасида умумий билурубин, креатин, умумий оқсил, гемоглобин, ранг кўрсаткичи, лейкоцит ва эритроцитларнинг чўкиш тезлиги кўрсаткичларининг фарқлари аниқланди.

TP53 гени полиморфизмлари билан генотипланган КБС беморларининг ИГК кўрсаткичлари орасида қиёсий таққослаш. Бунда, 42 нафар КБС беморларини ИГК, яъни эстроген рецепторлари (ER), прогестерон рецепторлари (PR), одамнинг эпидермал ўсиш фактори рецепторлари 2 (Her2/neu) ва зарарли ҳужайраларнинг бўлиниш тезлигини белгилайдиган (Ki67) маркёрларининг, TP53 гени rs1042522, rs1800371, rs17884159 SNP билан боғлиқлик аҳамиятининг таҳлили ўтказилди (1 - 3-жадвалга қаранг).

1 – жадвал

ИГК текшируви ўтказилган КБС беморлари билан TP53 гени rs1042522 полиморфизмнинг генотипик боғлиқлиги

rs1042522		ER- ҳолати		PR- ҳолати		Her2/neu- ҳолати		Ki 67- ҳолати	
Генотиплар	n	+	-	+	-	+	-	+	-
G/G	29	18	11	17	12	18	11	26	3
G/C	10	7	3	6	4	2	8	8	2
C/C	3	2	1	2	1	1	2	2	1
Жами	42	27	15	25	17	21	21	36	6

Изоҳ: (+) – ижобий ёки мусбат; (-) – салбий ёки манфий.

1-жадвалга кўра, TP53 гени rs1042522 полиморфизмининг норма G/G генотиби 29 нафарни ташкил этди ва ушбу генотипнинг ижобий намуналари билан ассоциацияси кўпроқ учраганлиги аниқланди. Шулардан бири, HER2/neu рецептори ижобий бўлган 18 нафар (62,0%) беморда терапия

самарали ва қолган 11 нафар (38,0%) салбий кўрсаткич аниқланган беморларда самарасиз ўтиши белгиланди. Ушбу жадвалда ИГК усули ёрдамида текширилган беморлар гуруҳида функционал жиҳатдан, хавфли ва хавфсиз генотипларни салбий ва ижобий гуруҳларда учраш частоталари таҳлил қилинганда, статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлари фақатгина Her2/neu маркёрида аниқланди. Жумладан, норма G/G генотип (мос равишда 38,0% ва 62,0%, $\chi^2=4$; $p=0,04$; RR=0,5; 95% CI: 0,28-0,85; OR=0,2; 95% CI: 0,04-0,81), гетерозигота G/C генотип (мос равишда 80,0% ва 20,0%, $\chi^2=3,3$; $p=0,07$; RR=2,0; 95% CI: 1,17-3,31; OR=5,8; 95% CI: 1,06-32,08), мутант C/C генотип эса (мос равишда 66,7% ва 33,3%, $\chi^2=0,3$; $p=0,5$; RR=1,3; 95% CI: 0,57-3,24; OR=2,1; 95% CI: 0,17-25,17) ташкил этиши аниқланди. Шундай қилиб, G/C гетерозиготали генотипни ташувчи манфий гуруҳга кирувчи беморларда КБС нинг кимёвий даволашдаги барқарорлигининг нисбий хавфини 2 марта ва эҳтимоллик нисбатини 5,8 мартага ошириши аниқланди.

Демак, ИГК текширувлари ўтказилган КБС аёлларида, TP53 гени rs1042522 полиморфизми ва ИГК маркёрлари билан боғлиқлиги аниқланди. Биз ушбу TP53 гени rs1042522 полиморфизмини, ИГК текширувлари ўтказилган КБС касаллигини прогнозлашда генетик маркёр сифатида қўллаш мумкин деб ҳисоблаймиз.

2-жадвалда ИГК текшируви ўтказилган КБС бемор аёллари билан TP53 гени rs1800371 локусининг генотипик боғлиқлиги орасида қиёсий таққослаш ўтказилди. Ушбу 2-жадвалга кўра, TP53 гени rs1800371 полиморфизмининг норма C/C генотипи 40 нафарни ташкил этди ва ушбу генотипнинг ижобий намуналари билан ассоциацияси кўпроқ учраганлиги аниқланди. Шулардан бири, Ki67 рецептори ижобий бўлган 35 нафар (87,5%) беморда терапия самарали ва қолган 5 нафар (12,5%) салбий кўрсаткичли беморда самарасиз ўтиши аниқланди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

ИГК текшируви ўтказилган КБС беморлари билан TP53 гени rs1800371 полиморфизмининг генотипик боғлиқлиги

rs1800371		ER- ҳолати		PR- ҳолати		Her2/neu- ҳолати		Ki 67- ҳолати	
Генотиплар	n	+	-	+	-	+	-	+	-
C/C	40	25	15	24	16	18	22	35	5
C/T	2	1	1	1	1	1	1	1	1
Жами	42	26	16	25	17	19	23	36	6

Изоҳ: (+) – ижобий ёки мусбат; (-) – салбий ёки манфий; TT - генотип учрамади.

Ушбу жадвалда ИГК маркёрлари ёрдамида текширилган беморлар гуруҳида функционал жиҳатдан, хавфли ва хавфсиз генотипларини салбий ва ижобий гуруҳларида учраш частоталари таҳлил қилинганда, статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлари фақатгина Ki67 маркёрида аниқланди. Жумладан, гетерозигота C/T генотипи (мос равишда 50,0% ва 50,0%, $\chi^2=2,1$; $p=0,1$; RR=6; 95% CI: 0,43-83,53; OR=7; 95% CI: 0,37-130,5). Аксинча, КБС хавфидан ҳимояловчи C/C генотипли беморларда статистик фарқлар чегараси аҳамиятли даражага етиши кузатилди ($\chi^2=2,1$; $p=0,1$; RR=0,8; 95%

CI: 0,59-1,23; OR=0,1; 95% CI: 0,007-2,67). Шундай қилиб, C/T генотипни ташувчи манфий гуруҳга кирувчи беморларда КБСнинг кимёвий даволашдаги барқарорлигининг нисбий хавфини 6 марта ва эҳтимоллик нисбатини 7 мартага ошириши аниқланди. Демак, ИГК ўтказилган КБС аёлларида TP53 гени rs1800371 полиморфизми ва ИГК маркёрлари билан боғлиқлиги борлиги аниқланди. Биз ушбу TP53 гени rs1800371 полиморфизмини ИГК текширувлари ўтказилган КБС беморларини прогнозлашда генетик маркёр сифатида қўллаш мумкинлиги аниқланди.

3-жадвалда тадқиқотда ИГК текширувлар ўтказилган КБС бемор билан TP53 гени rs17884159 полиморфизмининг генотипик боғлиқлиги орасида қиёсий таққослаш ўтказилди (3-жадвалга қаранг). Ушбу жадвалга кўра, TP53 гени rs17884159 полиморфизмининг норма C/C генотипи 17 нафарни ташкил этди ва ушбу генотипнинг ижобий намуналари билан ассоциацияси кўпроқ учраганлиги аниқланди. Шулардан бири, Kі67 рецептори ижобий бўлган 16 нафар (94,1%) беморда терапия самарали ва 1 нафар (5,9%) салбий кўрсаткичли беморларда самарасиз ўтиши аниқланди. Шунингдек, ушбу жадвалда ИГК усули ёрдамида текширилган беморлар гуруҳида функционал жиҳатдан, хавфли ва хавфсиз генотипларини салбий ва ижобий гуруҳларида учраш частоталари таҳлил қилинганда, статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлари фақатгина Kі67 маркёрида аниқланди. Жумладан, норма C/C генотип (мос равишда 5,9% ва 94,1%, $\chi^2=1,6$; $p=0,2$; RR=0,3; 95% CI: 0,06-2,33; OR=0,2; 95% CI: 0,02-2,36), гетерозигота C/T генотип (мос равишда 15,8% ва 84,2%, $\chi^2=0,06$; $p=0,8$; RR=1,1; 95% CI: 0,46-2,71; OR=1,2; 95% CI: 0,22-7,05), мутант T/T генотип эса (мос равишда 33,3% ва 66,7%, $\chi^2=2,1$; $p=0,1$; RR=3; 95% CI: 0,69-12,93; OR=4; 95% CI: 0,54-29,27) ташкил этиши аниқланди. Шундай қилиб, T/T рецессив гомозиготали генотипни ташувчи манфий гуруҳга кирувчи беморларда КБСнинг кимёвий даволашдаги барқарорлигининг нисбий хавфини 3 марта ва эҳтимоллик нисбатини 4 мартага ошириши аниқланди.

3 - жадвал

ИГК текшируви ўтказилган КБС беморлари билан TP53 гени rs17884159 полиморфизмининг генотипик боғлиқлиги

rs17884159		ER- ҳолати		PR- ҳолати		Her2/neu- ҳолати		Kі 67- ҳолати	
Генотиплар	n	+	-	+	-	+	-	+	-
C/C	17	12	5	12	5	7	10	16	1
C/T	19	13	6	12	7	9	10	16	3
T/T	6	2	4	2	4	4	2	4	2
Жами	42	27	15	26	16	20	22	36	6

Изоҳ: (+) – ижобий ёки мусбат; (-) – салбий ёки манфий.

ИГК текширувлар ўтказилган КБС бемор аёлларида, TP53 гени rs17884159 полиморфизми ва ИГК маркёрлари билан боғлиқлиги аниқланди. Биз ушбу TP53 гени rs17884159 полиморфизмини, ИГК ўтказилган КБС касаллигини прогнозлашда генетик маркёр сифатида қўлланиши мумкин.

Ўзбекистонда КБСнинг ривожланишида TP53 гени полиморфизмларининг популяциявий таҳлили. TP53 гени rs1042522 полиморфизмининг минор С аллели учраши 16,8 фоизни ташкил этган ва бу кўрсаткич осиеликлар орасидаги тарқалишга мос келади. Шунингдек, назорат ва асосий гуруҳларда генотипларнинг тақсимланиши Харди-Вайнберг мувозанатига мос келди. Популяция гуруҳида TP53 генининг rs1042522 полиморфизмига нисбатан хилма-хиллиги паст кўрсаткичга эга эканлиги аниқланди, бунда кутилаётган гетерозиготалик даражаси ($H_{exp}=0,282$) қийматга тенг бўлиб, бу қиймат $0,2 < H_{exp} < 0,3$ оралиққа мос келди. Текширилаётган полиморфизмининг кутилаётган гетерозиготаликдан оғиш коэффиценти (D^*), $D^* = -0,007$ манфий қиймат билан чиқиши гетерозиготалар танқислигининг оптимал даражаси эканлигини кўрсатади.

TP53 гени rs1800371 полиморфизмининг минор Т аллели учраши 0,5 фоизни ташкил этади, бу кўрсаткич осиеликлар орасидаги тарқалиш частотасига мос келган. Назорат ва асосий гуруҳларда генотипларнинг тақсимланиши ҳам Харди-Вайнберг мувозанатидан оғиш кузатилмаган. Популяция гуруҳида TP53 гени rs1800371 полиморфизмининг хилма-хиллиги нисбатан паст кўрсаткичга эгаллиги аниқланган, бунда кутилаётган гетерозиготалик даражаси ($H_{exp}=0,009$) қийматга тенг эканлиги аниқланди. Кузатилаётган гетерозиготаликнинг кутилаётганига нисбатан оғиш коэффиценти $D^* = -0,11$ ни ташкил этди, бу эса бизнинг популяцияда ушбу генотипнинг селектив устунлигини кўрсатмади.

TP53 гени rs17884159 полиморфизмининг Т аллели 21,3 фоизни ташкил этган, бу кўрсаткич европаликлар орасидаги тарқалиш частотасига мос келди. Назорат ва асосий гуруҳларда генотипларнинг тақсимланиши Харди-Вайнберг мувозанатидан оғиш кузатилмади. Популяция гуруҳида TP53 генининг rs1042522 полиморфизмига нисбатан хилма-хиллиги ўртача кўрсаткичга эга эканлиги аниқланди, бунда кутилаётган гетерозиготалик даражаси ($H_{exp}=0,337$) қийматга тенг бўлиб, бу қиймат $0,3 < H_{exp} < 0,4$ оралиққа мос келди, бу эса популяциядаги эҳтимол - ушбу генотипнинг ўртача даражадаги селектив устунлигини кўрсатди. Ўрганилаётган полиморфизмининг кузатилаётган гетерозиготаликнинг кутилаётганига нисбатан оғиш коэффиценти $D^* = -0,003$ қийматга тенг эканлиги аниқланди.

TP53 гени rs1042522 полиморфизмининг КБС ривожланишидаги ассоциациялари. TP53 гени rs1042522 полиморфизмининг функционал жиҳатдан хавфли *С аллел беморлар ва назорат гуруҳидаги учраш частотаси таҳлил этилганда статистик жиҳатдан ассоциация аниқланди ($\chi^2=2,1$; $p=0,1$; RR=1,3; 95% CI: 0,90-1,98; OR=1,4; 95% CI:0,88-2,34). Аксинча, КБС хавфидан ҳимояловчи G аллели, статистик фарқлар чегараси аҳамиятли даражага етиши аниқланди ($\chi^2=2,1$; $p=0,1$; RR=0,9; 95% CI: 0,84-1,02; OR=0,7; 95% CI: 0,42-1,13). Шундай қилиб, хавфли С аллелли КБС ривожланиш нисбий хавфини 1,3 марта ва эҳтимоллигини 1,4 мартага ошириши аниқланди. TP53 гени rs1042522 полиморфизмининг норма G/G генотип асосий ва назорат гуруҳидаги учраш частотаси таҳлил қилинганда, статистик жиҳатдан боғлиқлик ($\chi^2=1,9$; $p=0,1$; RR=0,8; 95% CI: 0,71-1,06;

OR=0,6; 95% CI: 0,37-1,18) аҳамиятли даражага етиши исботланди (4-жадвалга қаранг).

4 -жадвал

Асосий ва назорат гуруҳларда TP53 гени rs1042522 полиморфизмининг аллел ва генотипларини тарқалиш частоталари ва статистик фарқлари

Аллел ва генотиплар	Текширилган аллеллар ва генотиплар				χ^2	P	RR	95% CI	OR	95% CI
	Асосий гуруҳ		Назорат гуруҳ							
	n	%	n	%						
G	155	77,5	178	83,2	2,1	0,1	1,3	0,90 – 1,98	1,4	0,88 – 2,34
C	45	22,5	36	16,8						
G/G	60	60,0	74	69,0	1,9	0,1	0,8	0,71 – 1,06	0,6	0,37 – 1,18
G/C	35	35,0	30	28,0	1,2	0,3	1,2	0,83 – 1,87	1,4	0,76 – 2,49
C/C	5	5,0	3	3,0	0,7	0,4	1,8	0,43 – 7,27	1,8	0,42 – 7,84
G/C+ C/C	40	40,0	33	31,0	1,9	0,1	1,3	0,89 – 1,88	1,5	0,84 – 2,65

Изоҳ:– G: $\chi^2=2,1$; p=0,1; RR=0,9; 95% CI: 0,84-1,02; OR=0,7; 95% CI: 0,42-1,13

* – фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли

Функционал жиҳатдан хавфли G/C генотипи асосий ва назорат гуруҳларида учраш частоталари таҳлил қилинганда, статистик жиҳатдан аҳамиятсиз эканлиги аниқланди ($\chi^2=1,2$; p=0,3; RR=1,2; 95% CI: 0,83-1,87; OR=1,4; 95% CI: 0,76-2,49). Хавфли мутант C/C генотип асосий ва назорат гуруҳидаги учраш частотаси таҳлил қилинганда, статистик жиҳатдан боғлиқлиги йўқ эканлиги исботланди ($\chi^2=0,7$; p=0,4; RR=1,8; 95% CI: 0,43-7,27; OR=1,8; 95% CI: 0,42-7,84). Функционал жиҳатдан хавфли умумий *G/C+C/C генотип асосий ва назорат гуруҳидаги учраш частотаси таҳлил қилинганда, статистик жиҳатдан боғлиқлик аниқланди ($\chi^2=1,9$; p=0,1; RR=1,3; 95% CI: 0,89-1,88; OR=1,5; 95% CI: 0,84-2,65). Шундай қилиб, ушбу хавфли умумий G/C+C/C генотипларни ташувчи аёлларида, хавфсиз G/G генотипга нисбатан, ушбу касалликка мойилликнинг нисбий хавфи 1,3 марта ва эҳтимоллик нисбати 1,5 мартага ошириши аниқланди. Шунингдек, rs1042522 локуснинг функционал жиҳатдан хавфли *C аллели табиий равишда соғлом донор аёлларга нисбатан, КБСнинг пременапаузали кичик гуруҳли аёлларида статистик жиҳатдан сезиларли даражада устун келди (мос равишда 16,8% ва 27,8%, $\chi^2=3,4$; p=0,06; OR=1,9; 95% CI: 0,95-3,81; RR=1,6; 95% CI: 0,98-2,78). Демак, хавфли *C аллел КБС билан касалланиш эҳтимоллигини 1,9 марта ва нисбий хавфни 1,6 марта ошириши аниқланди. Шундай қилиб, TP53 гени rs1042522 полиморфизми тадқиқотда ўрганилган гуруҳлар *C аллели ва *G/C+C/C генотиплар бирлашмаларининг нисбий хавфи (RR) ҳамда эҳтимоллик нисбати (OR) кўрсаткичига мувофиқ КБС билан статистик жиҳатдан аҳамиятли ассоциациялар аниқланди. Ушбу полиморфизмининг G аллели ва шу локуснинг G/G генотипи ушбу патологиянинг ривожланишига нисбатан ишончли ҳимоялаш белгиси эканлиги аниқланди. TP53 генининг rs1042522 полиморфизми КБС ривожланишини прогнозлашда генетик маркёрлардан бири сифатида қўллаш мумкинлиги аниқланди.

TP53 гени *rs1800371* полиморфизмининг КБС ривожланишидаги ассоциациялари. TP53 гени *rs1800371* функционал жиҳатдан хавфли *Т аллели беморлар ва назорат гуруҳи частоталари таҳлил қилинганда статистик жиҳатдан сезиларли фарқ аниқланди ($\chi^2=8,2$; $p=0,005$; RR=10,7; 95% CI: 1,38-82,82; OR=11,2; 95% CI:1,42-88,38). Аксинча, КБСдан ҳимояловчи С аллели, статистик фарқлар чегараси аҳамиятли даражага етиши аниқланди ($\chi^2=8,2$; $p=0,005$; RR=0,9; 95% CI: 0,92-0,98; OR=0,09; 95% CI: 0,01-0,70). Шундай қилиб, хавфли *Т аллелли КБС билан касалланиш эҳтимоллигини 11,2 мартага ва нисбий хавфини 10,7 мартага ошириши исботланди. TP53 гени *rs1800371* полиморфизмининг функционал жиҳатдан норма С/С генотиби асосий ва назорат гуруҳидаги учраш частотаси таҳлил қилинганда, статистик фарқлар чегараси аҳамиятли даражага етиши исботланди ($\chi^2=8,4$; $p=0,004$; RR=0,1; 95% CI: 0,85-0,97; OR=0,08; 95% CI: 0,01-0,67). Функционал жиҳатдан хавфли *С/Т генотипининг асосий ва назорат гуруҳидаги учраш частотаси таҳлил қилинганда, статистик жиҳатдан ассоциация аниқланди ($\chi^2=8,4$; $p=0,004$; RR=10,7; 95% CI: 1,39-82,07; OR=11,8; 95% CI: 1,48-93,77). Шундай қилиб, ушбу С/Т генотибни ташиш билан КБС ривожланиш хавфи, ушбу генотипга эга бўлмаган аёлларга қараганда, касалликнинг нисбий хавфини 10,7 марта ва эҳтимоллик нисбатини 11,8 мартага ошириши аниқланди. Ушбу тадқиқотнинг асосий ва назорат гуруҳларида Т/Т генотиби учрамаслиги аниқланди (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

Асосий ва назорат гуруҳларда TP53 гени *rs1800371* полиморфизмининг аллел ва генотипларини тарқалиш частоталари ва статистик фарқлари

Аллел ва генотиплар	Текширилган аллеллар ва генотиплар				χ^2	P	RR	95% CI	OR	95% CI
	Асосий гуруҳ		Назорат гуруҳ							
	n	%	n	%						
С	190	95,0	213	99,5	8,2	0,005	10,7	1,38 – 82,82	11,2	1,42 – 88,38
Т	10	5,0	1	0,5						
С/С	90	90,0	106	99,0	8,4	0,004	0,1	0,85 – 0,97	0,08	0,01 – 0,67
С/Т	10	10,0	1	1,0	8,4	0,004	10,7	1,39 – 82,07	11,8	1,48 – 93,77
Т/Т	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0

Изоҳ:–С: $\chi^2=8,2$; $p=0,005$; OR=0,09; 95% CI: 0,01-0,70; RR=0,9; 95% CI: 0,92-0,98

* – фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли Т/Т-генотип учрамаслиги аниқланди.

Шундай қилиб, олинган натижалар ўзбек аёлларида TP53 генининг *rs1800371* полиморфизми КБС ривожланиш механизмида муҳим аҳамиятга эга эканлиги тасдиқланди. TP53 гени *rs1800371* полиморфизмининг Т аллели ва С/Т генотиби КБС хавфини оширувчи, С аллели ва С/С генотипик варианты ушбу патологиянинг ривожланишига нисбатан ишончли ҳимоя вазифасини ўташлиги тасдиқланди. Демак, TP53 ген *rs1800371* локуси КБС

касаллиги ривожланиш эҳтимоллигини аниқлашда муҳим генетик маркёр сифатида қўллаш мумкин деб ҳисоблаймиз.

КБС ривожланишида TP53 гени rs17884159 полиморфизмининг ассоциациялари. TP53 гени rs17884159 функционал жиҳатдан хавфли *Т аллел беморлар ва назорат гуруҳида учраш частоталари таҳлил қилинганда статистик жиҳатдан сезиларли боғлиқлик аниқланди ($\chi^2=1,4$; $p=0,2$; $RR=1,2$; 95% CI: 0,87-1,74; $OR=1,3$; 95% CI:0,83-2,07). Шундай қилиб, хавфли *Т аллелли КБС ривожланиш нисбий хавфини 1,2 марта ва эҳтимоллигини 1,3 марта ошириши аниқланди (6-жадвалга қаранг).

6-жадвал

